

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2017  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Г.АКРАМОВА</b>	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш .....	70
<b>Ш.ЮСУПОВА</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида .....	73
<b>Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ</b>	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор-ларининг когнитив типологияси .....	75
<b>Н.АЛИЕВА</b>	
Инглиз ва рус тилларидаги кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллараро корреспонденцияси .....	82
<b>Қ.КАХАРОВ</b>	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши .....	85

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ</b>	
Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш .....	88
<b>З.БОБОЕВА, С.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар .....	91
<b>Р.ДЖАЛИЛОВА</b>	
Буюк тасвирий санъат усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни .....	94

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Н.МИРЗАКАРИМОВА</b>	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари .....	96
<b>Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА</b>	
Ўрта махсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш .....	98
<b>М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОВ</b>	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш .....	100
<b>Д.ҚОДИРОВА, С.ТҲХТАЕВ</b>	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси .....	102
<b>Н.ЖУРАҚҲЗИЕВ</b>	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар .....	105
<b>Д.ТЕШАБОВ</b>	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши .....	107
<b>З.АКБАРОВА</b>	
Тил ва унинг функциялари ҳақида .....	109
<b>З.САЛАХИДИНОВА</b>	
И.С.Тургенов прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси .....	111
<b>Н.ҚАРШИЕВ</b>	
Қоракўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар .....	113
<b>Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА</b>	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш .....	115
<b>Б. СОТВОЛДИЕВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти .....	116
<b>Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари .....	118
<b>Д.НУРАЛИЕВА</b>	
Оилага психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш .....	121

#### ХОТИРА

<b>Наримон Нурматович ҚОРИЕВ</b> .....	124
--	-----

#### ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиогрaфия .....	125
--------------------	-----

УДК.370+371.31

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М.Адҳамов, М.Жалилов

### Аннотация

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларига математика дарсларида иқтисодий тушунча ва атамаларни ўргатиш орқали дарснинг ижтимоий педагогик савиясини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг билимдон бўлишига кўмаклашиш ҳолатлари таҳлил қилинган.

### Аннотация

В статье рассмотрены элементы и принципы экономической культуры на уроках математики в начальных классах общеобразовательных школ на основе социально-педагогического уровня.

### Annotation

This article explores the elements and principles of economic culture in the lessons of mathematics in the classes of primary education on the base of social and pedagogical level.

**Таянч сўз ва иборлар:** бутун сонлар, бутун сонлар устида амаллар, томорқа, пул, пул бирлиги (сўм), буюмнинг баҳоси, арзон, қиммат, яроқли, яроқсиз, керакли буюм, кераксиз буюм, маблағ, мулк, шахсий мулк, хом ашё, оила таъминоти, оила харажатлари, истеъмол.

**Ключевые слова и выражения:** целый числа, арифметические действия над целыми числами, земельные участки, деньги, единица измерения деньги, стоимости товар, нужные вещи, средства, собственность, сырьё, удовлетворённость семьи, затраты, потребление.

**Key words and expressions:** integer numbers, arithmetic action on integers, land participation, money, unit of money, value of goods, necessary things, means, property, raw materials, family satisfaction, costs, consumption.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг асосий негизи саналиб, бу педагогик муаммо ҳисобланади. Бундай таълим шахсга йўналтирилган ёндашувлар орқали амалга оширилмоқда. Унинг таркибий қисми бўлган педагогик технология ва тамойиллар асосида ўқитиш жараёнини инновацион усулларда ташкил этиш долзарб масаладир, яъни бу борада лойиҳаларни тузиш ва амалиётга жорий этилиши бошланғич таълим тизимида объектив аҳамиятга эгадир. Зеро, таълим тизими орқали шахс камолотини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс бўлиб, янги педагогик технология асосида бошланғич синфларда ўқитилаётган фанлар ўқув машғулоти ва таълим жараёнини лойиҳалаш бўйича педагогларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Таълим-тарбия тизими орқали замон талабига жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш кўп жиҳатдан фан ўқитувчиси

ва педагогларнинг маҳорати ҳамда ўқув жараёнларининг педагогик технология тамойиллари асосида ташкил этилишига боғлиқдир. Улардан ўқув машғулотида самарали фойдаланиб, ижобий натижага эришиш таълим концепциясининг талабидир.

Узлуксиз таълимнинг илк пойдевори бошланғич синфларда шаклланганлиги учун бошланғич синф ўқитувчисининг методик – математик тайёргарлиги деганда унинг илмий дунёқараши асосида математика ўқитиш услуги ва услугиётини умумий психологик ва математик тайёргарлик билан узвий боғланишга тайёрланиши тушунилади. Бундай тайёргарлик натижасида математикадан бошланғич таълим соҳасида маълум бир билим ва кўникмаларни эгаллаш ва ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш орқали амалга ошади. Математик тушунчалар орқали бошланғич таълим ва тарбиявий вазифаларни назарий билимлар тизими асосидагина ҳал этиш мумкин. Бу, илмий дунёқараш, психология, дидактика, математикани ўқитишнинг назариясини ўз ичига олади [1]. Бироқ, биргина назарий

билимларнинг ўзи етарли эмас. Ўқитишнинг мазмуни ва моҳияти ўқитувчининг билими, маҳорати

М.Адҳамов – ФарДУ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

М.Жалилов – ФарДУ бошланғич таълим услугиёти кафедраси ўқитувчиси.

билан ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, у ўқув йўналишига оид энг сўнги усулларни дарс жараёнида қўлай билиши зарурдир.

Хусусан, математика дарсларида иқтисодий билимларни шакллантириш таълим тизимида ҳаётий педагогик зарурият саналади, чунки ўқувчи оила муҳитида бора-бора унинг ҳақиқий аъзосига айланиб боради ва иқтисодий тушунча ва атамаларга дуч келади [2].

Ҳар бир оила хўжалиги – бу, рўзғор учун керакли бўлган буюмлар, ашё ва жиҳозлар, пул шаклидаги қимматли қоғозлар орқали ўз хўжалигини юритади. Оила моддий жиҳатдан бой бўлса, бу ҳол оила аъзоларининг яхши ва бахтли ҳаёт кечириётганини, истеъмол буюмларини кўпроқ харид қилаётганини, ўз эҳтиёжларини кенгроқ қаноатлантириётганини билдиради.

Оила ўз хўжалигининг моддий жиҳатини яратиб олиш йўли билан турмушини фаровонлаштиришга интилади. Оиланинг моддий жиҳати, дейилганда, унинг аъзолари учун яратилган неъматларнинг мавжудлиги тушунилади. Оиланинг фаровон яшаши кўпроқ мамлакат эришган муваффақиятларга, унинг иқтисодий ва маданий соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади. Бунга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор яққол мисол бўла олади. Оилада ота-она томонидан болаларни тадбиркорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар жамиятга, оилага, ота-оналарига ҳамда фарзандлар келажагига эътибор қаратиб, тўғри ва оқилона ҳаёт кечиришни ўрганадилар.

Ҳар бир фарзанд оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлибгина қолмай, балки у оила хўжалиги иқтисодини ривожлантиришнинг иштирокчисидир. Фарзандларимизни фақат оила хўжалигини юритишга қобилиятли киши этиб тарбиялабгина қолмай, шунингдек, бутун жамиятга наф келтирадиган, унга хизмат қиладиган, садоқатли, комил инсонлар қилиб таълим ва тарбия бермоғимиз педагогик заруриятдир. Бундай таълим ва тарбия беришда мактабнинг бошланғич синфларида ўқитилаётган математика дарсларининг ўрни аҳамиятлидир.

1-2-синфларда: пул, пул бирлиги (сўм), буюмнинг баҳоси (сўмда), арзон, қиммат, чидамли, яроқли, яроқсиз, керакли буюм, кераксиз буюм каби иқтисодий атамаларнинг мазмунини ва уларнинг ҳаётий аҳамиятини

ўқувчиларга онгли равишда тушунишлари ва тасаввур қилишларига ёрдам берувчи замонавий усуллардан фойдаланиш керак. Дарс жараёнида юқорида келтирилган атамалар иштирокидаги ёки шу мазмунга олиб келадиган масалалар дарс жараёнида ўқувчиларга етказилса, ўқувчининг иқтисодий тафаккури янада ошади, чунки бу атамалар билан ўқувчи деярли ҳар куни дуч келади. Демак, уни тушуниш, фарқлаш, мазмунига етиш ва фойдаланишда ўқувчи мустақил фикрга эга бўлиши, керакли жойда уларни ишлата билиши мақсадга мувофиқ бўлиб, фуқаролик жамиятининг юксалишига хизмат қилади.

3-4- синфларда: маблағ, мулк, шахсий мулк, товар, маҳсулот, хомашё, бюджет, оила таъминоти, оила харажатлари, истеъмол, тежамкорлик каби атамалар ўқувчининг иқтисодий тушунчаларини янада бойитади.

Бошланғич синф математика дарслари режасида масалалар ечиш усулларини ўргатишга етарлича дарс соатлари ажратилган. Шу соатларда имкони борича иқтисодий атамалардан фойдаланиб, масалалар тузилса ва уларнинг ечимлари таҳлил этилса, юқорида назарда тутилган мақсадга эришиш йўлида қилган саъйи ҳаракатлар ўзининг самарасини беришига ишончимиз комил.

Бошланғич таълимнинг 4-синфи учун “Математика” дарслиги “Бир хонали сонга бўлиш” мавзусидаги 400-масала орқали ўқувчиларда бошланғич иқтисодий атамаларни ва унинг зарурийлигини услубий жиҳатдан кўриб чиқайлик.

**Масала.** Томорқадан ҳар бири 11 кг. дан 4 яшик бодринг ва 5 та бир хил яшиқда помидор териб олинди. Ҳаммаси бўлиб 89 кг. помидор ва бодринг териб олинди. Ҳар бир яшикка неча кг. дан помидор жойланган [3]?

Масалани ечиш учун ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Томорқа нима?
2. Нима учун бодринг ва помидорни истеъмол қиламиз?
3. Бодринг ва помидор бизнинг соғлиғимиз учун зарурми?
4. Помидор ва бодрингнинг нархи (баҳоси-сўмда) қандай бўлиши мумкин?
5. Помидор бодрингга қараганда кўпроқ етиштириладими ёки аксинчми?

6. Помидор ва бодрингни бозорда сотишда қандай идишлардан фойдаланилади?

Масала ечимини топиш учун бодринг ва помидор учун миқдорларни аниқлаб оламиз.

1. Бодринг учун 4 та яшик керак

Ҳар бир бодринг яшигининг оғирлиги 11 кг. дан иборат.

2. Жами помидор 5 та яшикка жойланиши керак.

3. Масала шартига кўра жами помидор ва бодринг 89 кг. эди.

Аниқлаб олдикки, жами бодринг:  $4 \times 11 = 44$  кг. Агар помидор билан бодринг биргаликдаги оғирлиги 89 кг.. бўлса, помидорнинг миқдори:  $89 - 44 = 45$  кг.

Демак, жами помидор 45 кг. бўлиб, масала шартига кўра 5 : та яшикка помидорлар тенг миқдорда жойланса, битта яшикка помидор миқдори  $45 : 5 = 9$  кг эканлиги маълум бўлади.

Демак, ҳар бир яшикка 9 кг. дан помидор жойланар экан.

«Агар томорқада етиштирилган помидор ва бодринг оила истеъмолидан кўп бўлса, унинг ортиқча қисмини нима қиламиз?» деб савол берилса, зукко ўқувчилар уни «бозорда сотиш ёки помидор ва бодрингга эҳтиёжманд бўлган оилаларга бериш ёки сақлаш мумкин», деган жавобни берадилар.

Педагог ортиқча помидор ва бодринг бозорда сотилса, ўқувчилар учун нарх (баҳо), умумий оғирлик (ҳажм - кг), бодринг ва помидор истеъмоли, бодринг ва помидорга бўлган талаб, маҳсулот миқдорининг кўплиги оиллага кўп фойда (сўмда) келтириши, фойда оила эҳтиёжларини қондириши учун сарфланиши каби тушунчаларнинг моҳиятини ўқувчиларга содда тилда етказиб бериши лозим.

Ушбу масалани ўқувчилар билан биргаликда ҳал этишда қуйидаги иқтисодий тушунчалар: нарх, умумий оғирлик, ҳажм,

истеъмол, фойда, пул, қиймат, эҳтиёж, бозор, сотиш каби иқтисодий тушунчалардан дарсда фойдаланилди. Бу тушунчалар ўқувчиларнинг иқтисодий тушунчаларини шакллантиришда дастлабки маълумотлар бўлиши мумкин. Ўқувчилар дарс жараёнида математика фанини ўзлаштириш билан бирга иқтисодий атамаларни ҳам ўрганиб, онгига сингдириб борадилар.

Математика дарсларининг бошқа мавзуларини ўқувчиларга етказишда янги иқтисодий атамалар билан тўлдириш мумкин.

Демак, бошланғич синфларда ўқувчилар иқтисодий билим маданияти элементларини шакллантириш ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усулларини амалга оширишда қуйидаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир: а) дарс мавзусини мазмунли ва сифатли ташкил этишда математик саводхонликни кучайтириш; б) ўқувчилар учун ижодкорлик, ўз билимини намоён этишга шарт-шароитлар яратиш; в) математика дарслари жараёнида ўқувчиларнинг иқтисодий тафаккурини кучайтириш; г) ўқувчилар билимини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг фаол усулларида фойдаланиш; д) иқтисодий тафаккурни шакллантиришда бошланғич синф ўқувчилари учун услубий таъминотни такомиллаштириш; е) педагог масъулиятини ошириш ва ўз устида ишлаш имкониятларини кенгайтириш; ё) ўқувчиларда иқтисодий тушунча ва атамалар ҳаётда зарур эканлигини тушунтириш ва ундан фойдаланиш кабилар таълим мазмуни сифатини инновацион кўринишда таълимнинг ижобий томонларининг ривожланишига олиб келади. Бу эса ўқувчиларнинг шахс сифатида тарбияланишида фуқаролик жамиятини ижтимоий фаол иштирокчиси бўлишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Junior Achievement. Амалий иқтисодиёт. – Т.: Шарқ, 1997.
2. Шодиев Т. ва б.қ. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар. – Т.: ТДИУ, 2010.
3. Бикбаев Н.У., Янгабаева Э., Гифранова К.М. Тўртинчи синф учун математика дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 2011.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).